

2022й <<19>> 12

386-11-166-МТ/2022 -сон

Икки томонлама ҳўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи <<KONSTRUKSIYA INVEST >> МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари М.Сидикова << биринчи томон ва иккинчи томондан ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Кукон шаҳар МТБ >> номидан (келгусида «Бўюртмачи» деб аталади) раҳбари И.Мирзаева ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

- 1.1 «Иш бажарувчи» «Бўюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиҳа-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:
Кукон шаҳар МТБ га карашли 41 МТТ биносини жорий таъмирлаш хизмати.
- 1.2 Мазкур шартноманинг умумий киймати 93 000 000 сўм, Тўксон уч миллион (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмини ташкил қилади.
- 1.3 Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хўсўсиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишўвига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: декабрь

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари ўчўн ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, сўчет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Бўюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши ўчўн бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькўляция ва баҳўлар преўскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қўпланади.

2.2 «Бўюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида тўловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 10 кўн ичида ККС сиз тўлов амалга оширилади.

2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Бўюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар хўқўқи ва мажбўриятлари:

3.1 «Иш бажарувчи» ўз кўчлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2 «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Бўюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар ўчўн «Бўюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Бўюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4 «Бўюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиҳа-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари ўчўн шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар кўланилиши

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Бўюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Бўюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конўнчилиқда белгиланган тартибда ўндириб олинади.

- 4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий кийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.
- 4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5.<Форс-мажор>

- 5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1 Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «_31» декабргача .Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д)наҳслар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки кулайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иктисодий судлари орқали хал қилинади.
- 7.2«Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия,гувоҳнома,сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 7.3 Шартномани бажарилиши учун таъълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *тегишли ғазначилиқ бўлинмасида рўйхатдан* ўтказилгандан сўнг амалга киритилади
- Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаганда ҳужалик суди орқали хал қилинади.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

- 8.1 Тарафлар коррупцияга қарши шартлашади ва ушбу шартлашув мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»
«KONSTRUKSIYA INVEST» МЧЖ

Манзил: Кукон ш Булок Боши 2 в

Тел./факс:

х/в: 2020 8000 1050 3871 1001

Банк номи: Асака банк Кукон бўлими

МФО 00631 СТИР 306 245 157



Раҳбар

М.Салимова

«Бююртмачи»
Кукон шаҳар МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Туркистон 85 а

Тел./факс

ш/х* 100022860304057091100251048

бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ 305153107

ОҚОНХ 85100

Молия вазилиги газначилиги ягона ҳисобвараги
23402000300100001010

Банкнинг номи Тошкент шаҳар Марказий банк
МФО 00014

Молия вазирлиги газначилиги
СТИР 201122919

Раҳбар И.Мирзаева
(Ф.И.Ш)



М.Ў



Бош ҳисобчи С.Мамажонов




**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

HU6416588748

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: 41-dmtt joriy ta'mirlash
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qo'qon shahri maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 19.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Qo'qon shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



O.M.SULAYMONOV

19.12.2022